

ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЖОЙИ ВА ЙЎЛ БЕЛГИ ЧИЗИҚЛАРИНИ ЎРНАТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

Ш. Абдиқодиров, А. Комилов, А. Муротов - ТерДУ

Республикада охириги йилларда амалга оширилаётган ва минтақаларнинг sanoat салоҳиятини оширишга, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар иқтисодий алоқалар интенсивлигини оширишнинг ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида йўл-транспорт инфратузилмасини янада жадал ривожлантиришни талаб қилади.

2018 йил 7 февралда қабул қилинган **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**да йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, аҳоли пункт кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланган.

Бу йўналишда йирик инфратузилма объектларини қуриш, замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, энг муҳим транзит транспорт йўллари, шу жумладан «Тошкент—Термиз», «Самарқанд—Бухоро—Олот», «Ғузор—Бухоро—Қўнғирот—Бейнау», «Тошкент—Чимён—Чорвоқ дам олиш зонаси» транспорт йўллари комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июлдаги 584-сонли Қарорида автомобиль йўллари қулай ва шинам қилиш, йўл ҳаракатини ахборотлар билан таъминлаш, йўл бўйидаги инфратузилмани халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларга ҳанузгача лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги ва бундай ҳолатнинг асосий сабаблари келтирилган.

Мазкур қарор асосида йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун юқори даражада қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилаётган 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доирасида йўл инфратузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган:

-йўл устига чизиқлар тортишда, йўловчилар ўтиш жойларини, автомобиль йўллари кесишадиган ва туташадиган жойларни, автомобилларнинг қисқа муддат тўхтаб туриш ва тўхташ жойларини

қуришда инновацион ишланмаларни ҳамда нур қайтарувчи материалларни қўллаш асосида йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш;

- йўл ҳаракати иштирокчиларини йўналиш бўйлаб сифатли навигация билан таъминлайдиган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини, шу жумладан чет тиллардаги йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини етарли миқдорда ўрнатиш орқали «гапирадиган йўл» принципи бўйича йўл ҳаракати иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш»;

- автомобиль йўллари фойдаланувчиларига юқори даражада қулайлик яратиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, йўл бўйи ҳудудларини тўлиқ қўкаламзорлаштириш, обод қилиш ва меъморий-ландшафт лойиҳасини тузиш, мазкур ҳудудларда инфратузилма объектларини оқилона қуриш ҳисобига транспорт воситаларининг экологияга салбий таъсирини камайтириш;

- ахборот-коммуникация технологияларини, техник воситалар ва дастурий маҳсулотларни автомобиль йўлларини қуриш, тўғрилаш ва улардан фойдаланиш жараёнига кенг жорий этиш;

- йўлларни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш ва ҳудудларни обод қилиш, шунингдек, тартибга солишнинг техник воситаларига қўйилган замон талабларига жавоб берадиган, шунингдек, республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мослаштирилган замонавий чидамли материаллардан, бутловчи, таркибий қисмлардан фойдаланиш ҳисобига автомобиль йўлларида фойдаланишда харажатларни камайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июлдаги 584-қарори 1-иловасида 2019-2023 йилларда йўл белгилари ишлаб чиқариши ва Республика автомобиль йўлларига ўрнатиш, йўл устига чидамли чизиклар тортишни ташкил этиш ДАСТУРИ келтирилган бўлиб, Сурхондарё вилояти учун 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Йўл белги ва чизиклари	Жами		2019		2020		2021		2022		2023	
	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги	Йўл белгиси	Йўл белги чизиги
Йўл тоифаси												
Вилоят бўйича	18823	7750	3765	1550	3765	1550	3765	1550	3765	1550	3765	1550

Умум фойдаланувдаги йўлларда	7908	5350	3582	1070	3582	1070	3582	1070	3582	1070		3582	1070
Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳар ва аҳоли пунктларининг кўчалари.	915	2400	183	480	183	480	183	480	183	480		183	480

Ҳайдовчиларга йўл элементлари **47,9%** автомобилнинг олдидаги йўл ҳолатини баҳолашга сарфланади [2]. Маълумки, автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил қилишнинг самарали усулларида бири йўл белги чизиқларини ишлатишдир. Йўл белги чизиқларини ишлатиш йўл транспорт ҳодисаларининг **30-50%** камайишига олиб келади. Ҳозирги вақтда транспорт воситаларининг жадаллашуви пиёдалар ўтиш жойларида транспорт ва пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сони ортмоқда. Жаҳон тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда йўл белги чизиқларини нур қайтаргич фосфорли лак-бўёқлардан ёки смолага фарфор синиқларини қушиб ишлатилса мақсадга мувофиқ. Нур қайтарувчи чизиқлар ҳайдовчининг диққатини ўзига тортади.

Шу сабабли пиёдалар ўтиш жойларида **1.14** йўл белги чизиғини ҳозирги замон талаби ва инновацион ривожланиш босқичларида **3D** кўринишда тасвирлаш мақсадга мувофиқдир. Пиёдалар ўтиш жойларида **3D** кўринишдаги белги чизиқлар транспорт ва пиёдалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2. Қ.Ҳ. Азизов. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари.-Т., “Fan va technology”, 2009, 244 бет.
3. Интернет маълумотлари. <https://www.google.com>.